



## Раҳмат ва мағфират ойи Рамазон

Хатми Куръон, таровех ойи бўлган муборак Рамазон ойи яна эшик қоқмоқда. Бу йилги Рамазон мавсуми олдинги йиллардагига нисбатан бирмунча енгил кечади, иншоаллоҳ. Сабаби, у ҳавоси салқин, кундузлари унча узун бўлмаган баҳор фаслига тўғри келади.

Рўза — энг улуғ ибодатлардан. У билан мўмин банда ҳисобсиз ажру савобларга эга бўлади. Чунки рўза ёлғиз Аллоҳ таоло учундир. Карами чексиз Зот бундай ибодатни, албатта, улкан мукофотлар билан тақдирлайди. Ҳатто рўзадорлар учун жаннатда Райён аталмиш алоҳида эшик бор.

Ҳадиси қудсийда Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Бандам таоми, ичимлиги ва шахватини Мени деб тарқ қилди. Рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Ўзим бераман. Биряхишиликка унинг ўн баробари борадир”** (Имом Бухорий ривояти).

Бугуннинг гапи

Рўза ўтган гуноҳлар учун кифоратдир. Абу Хурайра розийаллоху анхундан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Ким Рамазон рўзасини иймон ила савоб умидида тутса, унинг ўтган гуноҳлари мағфират қилинур”**, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Рўза тутиш туфайли тақводор бўлиш - унинг улкан ҳикматларидан. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан олдинги (уммат)ларга фарз қилингани каби сизларга ҳам рўза (тутиш) фарз қилинди, шояд (у сабабли) тақволи бўлсангиз»** (Бақара сураси, 183-оят).

Рамазон ойи мўминнинг хулқ-атворини тузатадиган, кўп-лаб ижобий хислатларни ўргатадиган улкан тарбия мактабидир. Унда мўмин ҳавои нафсига, шайтоннинг ҳийлаларига қарши курашади. Бу ички кураш мўминнинг сабрини

кучайтириб, иродасини тоблайди. Зеро, мўмин ўзи ўрганиб қолган кундалик еб-ичишлардан, аҳлига яқинлик қилишдан тийилишни ўрганади. У нафси истаганида эмас, балки Аллоҳ изн берган вақтдагина ўзининг эҳтиёжларини қондиришга одатланади. Шунингдек, бошқалар билан ҳам муомаласини гўзал қилади, ёмон сўз айтмайди.

Абу Хурайра розийаллоху анхундан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам марҳамат қилдилар: **«Рўза қалқондир. (Рўзадор) фаҳми сўз айтмасин, жоҳиллик ҳам қилмасин. Агар бирор киши у билан уришмоқчи ёки сўқшимоқчи бўлса, икки марта: “Мен рўзадорман”, десин. Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки, албатта, рўзадорнинг оғзидан келган ҳид Аллоҳ таолонинг наздида мушкнинг бўйидан яхшироқдир** (Имом Бухорий ривояти).

3-бетда

## Жаннатдаги уйни бой берманг

Юртимизда янги қурилаган ёки таъмирдан сўнг ўзгача қиёфа касб этаётган масжидларни кўриб кўзингиз қувнайди. Шинам, кенг ва ёруғ масжидлар наинки намозхонларни, балки хорижлик сайёҳларни ҳам ўзига жалб этаётир. Ушбу ўзгаришлар ҳақида муҳбиримиз Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Масжидлар билан ишлаш бўлими мудири Музаффар КАМОЛОВ билан суҳбатлашди.

— Ассалому алайкум, домла. Аввало, масжид қуришнинг фазилати, ушбу хайрли ишга ҳисса қўшишнинг ажру мукофоти ҳақида тўхталсангиз.

— Ва алайкум ассалом. Динимиз мўмин-мусулмонларни масжидлар қуриш ва уларни обод этишга чақириб, бу хайрли ишни Аллоҳ ризосига эриштирадиган ва жаннатга олиб борадиган йўл деб таълим беради.

Усмон розийаллоху анхундан ривоят қилинади: «Мен Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: **“Ким Аллоҳнинг розилигини тилаб**

**бир масжид курса, Аллоҳ таоло жаннатда унга ўшанинг мислини бино қилади”**, деганларини эшитганман». Бошқа бир ривоятда: **“Жаннатда бир уй”**, дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Бошқа бир ҳадисда: **“Ким Аллоҳ учун каклик тухум қўядиган ерчалик масжид бино қилса, Аллоҳ унга жаннатда уй қуриб беради”**, дейилган (Имом Аҳмад ривояти).

Масжид бунёд этиш садақаи жория бўлиб, бундай хайрли ишга ҳисса қўшган кишига вафотидан сўнг ҳам савоб бориб туради.

5-бетда

### ҚИСҚА САТРЛАРДА

✓ Тошкент ислом институтида Таҳфизул Куръон кафедраси томонидан Олий маъҳад талабалари ўртасида “Куръон мусобақаси — 2023” кўрик-танлови ўтказилди.

✓ 20 февраль куни “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тадқиқотлар” танловининг “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишланган энг яхши видеоролик” номинацияси бўйича — Қорақалпоғистон мусулмонлари қозийети ахборот-медиа мутахассиси Нурмуҳаммед Жумагулов 1-ўринни эгаллади.

✓ 21 февраль куни Нукус шаҳридаги “Муҳаммад ал-Беруний” ўрта махсус ислом билим юртида Ўзбекистон мусулмонлари идораси “Куръони карим ва тажвидни ўргатиш” бўлими мудири Шайх Алижон қори Ҳайдаров иштирокида суҳбат ўтказилди.

✓ 23 февраль куни Андижондаги “Саййид Муҳйиддин махдум” мадрасасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасалари раҳбарларининг семинари бўлиб ўтди.

✓ 23 февраль куни Ўзбекистон халқаро ислом академиясида маляка ошираётган ўнлаб имом-хатиб ва ноиблар Диний идоранинг Фатво марказига ташриф буюриб, марказ фаолияти билан яқиндан танишишди.

✓ 24 февраль куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров Тошкент шаҳридаги “Масжидул хайр” жомеида жума намози олдидан файзли суҳбат ўтказдилар.

✓ 24 февраль куни Оҳангарон туманидаги “Абдуқаҳҳор махдум” жоме масжидининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

✓ 24 февраль куни Мир Араб олий мадрасасида “Ёшлар орасидаги психологик муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари” мавзусида давра суҳбати ташкил қилинди.

✓ 27 февраль куни Термиздаги “Имом Термизий” мадрасасида Интернет ва ижтимоий тармоқларда “Экстремизм — жамият хавфсизлигига таҳдид” ва “Жиҳод тушунчасини сохталаштираётганлардан огоҳ бўлайлик!” мавзуларида давра суҳбати ўтказилди.

“

«Бас, кимки дунёда зарра миқдорда яхшилик қилган бўлса, (Қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорда ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўрар» (Залзала сураси, 7–8-оятлар).

Абдуллох Ибн Аббос розийаллоху анхумо айтади: «Кафтингни ерга теккизиб кўтарганинда, унга ёпишган ҳар бир чанг заррадир». Муҳаммад ибн Каъб Қуросий раҳимахуллох бундай дейди: «Иймон келтирмаган киши зарра миқдорида яхшилик қилса, унинг савобини дунёда тўлиқ олади, охиратга ҳеч қандай савоб қолдирилмайди».

Аллох таоло бундай марҳамат қилади: **«Бас, кимки дунёда зарра миқдорда яхшилик қилган бўлса, уни кўрар»**. Ибн Аббос

## Ҳар ким эжжанини ўради

розийаллоху анхумо айтади: «Иймонсизлардан бирортаси зарра мисқолича яхшилик қилса, унинг мукофотини шу дунёнинг ўзида олади, охиратга ҳеч қандай савоб қолдирилмайди. Аммо зарра миқдорида ёмонлик қилса, унинг жазосини охиратда олади. Шу билан бирга, ширк келтирганлик жазосини ҳам олади. Агар мўминлардан қай бири зарра миқдорда ёмонлик қилса ва дунёда ўшанга яраша жазо олса, охиратда кечиб юборилади. Агар зарра миқдорида яхшилик қилса, ундан қабул қилинади ва ўша яхшилиги охиратда кўпайтириб берилади».

Баъзи ҳадисларда **«Зарранинг вазни бўлмайди»** дейилади. Бу Аллох таоло бандаларнинг барча амалларидан, ҳатто вазни бўлмаган майда заррадайдан ҳам хабардор эканининг исботидир.

Парвардигори олам марҳамат қилиб айтади: **«Албатта, Аллох заррача ҳам зулм қилмас»** (Нисо сураси, 40-оят).

**«Ҳар бир жон қилган яхши амалини ҳозир топадиган»** (Оли Имрон сураси, 30-оят). Каъбул Аҳбор ривоят қилади: «Аллох таоло Муҳаммад алайҳиссаломга Тавротни ҳам, Инжилни ҳам, Забурни ҳам Саҳифаларни (мазмунини) ҳам ўзида қамраб олган икки оятни нозил қилди: **«Бас, кимки дунёда зарра миқдорда яхшилик қилган бўлса, (Қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорда ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўрар»**».

«Фараздақнинг амакиси Саъсаъ Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳузурларига келди. Набий



алайҳиссаломдан: **«Бас, кимки дунёда зарра миқдорда яхшилик қилган бўлса, (Қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорда ёмонлик қилган бўлса, уни ҳам кўрар»** оятларини эшитгач: «Қуръондан бундан бошқа нарсани эшитмасам ҳам парво қилмайман. Шунинг ўзи менга етарли», деди».

Манбалар асосида Тўртқўл тумани «Ғойиб ота» жоме масжиди имом-хатиби Давронбек МАМБЕТОВ тайёрлади.

### Сарҳисоб

Маълумки, сўнгги йилларда «Вақф» хайрия жамоат фонди кўп асрлик миллий ва диний қадриятларимизни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган ажодларимизнинг бебаҳо меросини ўрганиш, халқимизга хос бўлган маърифатпарварлик, бағрикенглик, меҳр-мурувват, бунёдкорлик каби эзгу фазилат ва қадриятларни кенг тарғиб этишга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Фонд фаолиятига назар ташласак, бу амалда исботини топаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

2022 йилда диёримизда диний-маърифий соҳани кўллаб-қувватлаш, масжид, мадраса ва зиёратгоҳларимизни обод қилиш, имом-хатиб, ноиблар, мударрислар ва талабаларга моддий-маънавий кўмак бериш ҳамда аҳолининг моддий ёрдамга муҳтож қатламига молиявий ёрдам кўрсатиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Умумлаштириб айтганда, хайрия, закот, вақф мулклар, зиёратгоҳлар, диний ташкилотлар ва акциялар орқали келиб тушган

## Хайрли ишларимиз кўлами кенгаяди

маблағлар ҳамда ҳомийлар ва ҳамкор ташкилотлар томонидан тақдим этилган моддий кўринишдаги эҳсонлар ҳисобига 11 млрд. 574 млн. сўмдан зиёд маблағ ҳақдорларга хайрия сифатида сарфланди.

Бу борада диний таълимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, диний таълим муассалари, илмий-тадқиқот марказлари фаолиятини рағбатлантириш учун 87 млн. 217 минг сўм, ушбу ўқув даргоҳлари профессор-ўқитувчилари, ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий кўллаб-қувватлашга 1 млрд. 294 млн. 110 минг сўм сарфланди. Шунингдек, «Қуръони карим ва тажвид» ўқув-курси тингловчиларини моддий кўллаб-қувватлаш учун 10 млн. 800 минг сўм хайрия қилинди.

Бундан ташқари, масжидлар қурилишига 436 млн. 960 минг сўм йўналтирилган бўлса,

жомелар ва зиёратгоҳлар ходимларига 451 млн. 656 минг сўм миқдорида моддий ва ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд, ночор, кўмакка муҳтож фуқароларга турли моддий кўринишда берилган кўмаклар миқдори 2 млрд. 783 млн. 275 минг сўмни ташкил этди. Имконияти чекланган, ногиронлиги бор шахсларга эса 285 млн. 962 минг сўм ҳажмида моддий ёрдам кўрсатилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини моддий кўллаб-қувватлаш учун 4 млрд. 346 млн. 902 минг сўм сарфланган бўлса, турли хайрия тадбирларига 1 млрд. 446 млн. 938 минг сўм йўналтирилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 299 млн. 378 минг сўм ажратилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 6 та, Қашқадарё вилоятида 6 та, Фарғона вилоятида 2



та, Тошкент вилоятида 1 та, жами 15 та артезиан ва минорали сув иншооти барпо этилиб, аҳолига хайрия сифатида тақдим этилди.

Ибратли ишлардан яна бири – «Вақф кўмаги» лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Фарғона вилоятларининг ҳар бирдан 30 тадан қандолатчилик, тикувчилик ва ҳунармандчилик касбига эга ижтимоий кўмакка муҳтож оилага қиймати 215 млн. 623 минг сўмлик зарур асбоб-анжомлар хайрия қилиниб, уларнинг бандлигига кўмаклашилди.

«Вақф» хайрия жамоат фонди 2023 йилда лойиҳалари кўламини янада кенгайтиришни мақсад қилган.

Саидаброр УМАРОВ,  
«Вақф» хайрия жамоат фонди  
Матбуот хизмати раҳбари



## Набий алайҳиссаломнинг муомаладаги олижанобликлари\*

Набий алайҳиссалом саҳобаларини хурсанд қилиш учун баъзан ҳазил ҳам қилиб турар эдилар. Бир киши минишга улов сўраб келганида, у зот унга: **“Сени туянинг боласига миндираман”**, дедилар. Бундай жавобни кутмаган ҳалиги киши: **“Эй Аллоҳнинг Расули, туянинг боласини нима қиламан?”** деди. У зот: **“Ахир катта туя ҳам туянинг боласи-ку”**, деб ҳазил қилдилар<sup>1</sup>.

Зайд ибн Аслам розийаллоху анхудан ривоят қилинади: «Умму Айман Ҳабашия деган аёл Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб: **“Эрим сизни уйга таклиф қиляпти”**, деди. У зот: **“Ким у? Кўзида оқи бор кишими?”** дедилар ҳазиллашиб. Аёл: **“Унинг кўзида оқи йўқ”**, деди жиддий оҳангда. У зот: **“Йўқ, кўзида оқи бор”**, дедилар яна. Аёл: **“Аллоҳга қасам, йўқ”**, деди. У зот: **“Ҳар бир кишининг кўзида оқи бўлади”**, дедилар».

Бир кампир Набий алайҳиссаломнинг ҳузурларига келиб: **“Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга дуо қилинг, мени жаннатга киритсин”**, деди. У зот: **“Эй фалончининг**

**онаси, жаннатга кампирлар кирмайди-ку”**, дедилар. Кампир йиғлаб, қайтиб кетди. У зот: **«Унга айтинглари, у жаннатга кампир ҳолида кирмайди. Чунки Аллоҳ таоло (жаннатга кирадиган аёллар ҳақида): “(Улар) жозибали ва тенгқурдилар”, деган»**<sup>2</sup>, дедилар. Буни эшитган кампир хурсанд бўлди.

Абдуллох деган саҳоба Набий алайҳиссаломни кулдириб турарди. Бир куни у Сарвари оламга ёғ (ёки асал) солинган бир идиш совға қилди. Бироз вақт ўтиб, Абдуллох идишнинг эгасини олиб келиб, Набий алайҳиссаломга: **“Идишнинг пулини беринг”**, деди. Бундан у зот ва атрофларидаги саҳобалар узоқ кулишди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг кулгилари табассум ва жилмайиб кўйишдан иборат бўлган.

У зот ёш болаларни кўрганда уларга илтифот кўрсатар, салом берар ва эркалатиб, бошларини силаб кўяр эдилар. Уларни Абдуллох, Убайдуллох (Аллоҳнинг ёш бандаси) деб чақирардилар. Баъзи вақтларда у зот: **“Олдимга ким биринчи бўлиб келса, фалон-фалон нарсга бераман”**, деб болаларни мусобақалашига тарғиб қилардилар. Ёш болалар бир-биридан

ўзиб у зот томон интилар, ҳеч тортинмасдан елкалари ва бағирларига ўзларини отишар эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам уларни кучоқлаб, ўпар эдилар.

Сафардан қайтиб келсалар, оилаларидаги ёш болалар чиқиб, у зотни кутиб олишарди. Чунки Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам болаларга жуда муруватли ва меҳрибон бўлиб, бирини кўлларида, яна бирини опичлаб кўтариб олар эдилар.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг виқорлари, одоблари ва ҳайбатлари ҳақида Хорижа ибн Зайд розийаллоху анхудан шундай ривоят қилинади: **“Расулulloх мажлисларда виқорли инсонга ярашмайдиган ишлар билан машғул бўлмасдилар, яъни оғизларидан тупук сачратиш, бурунларини қоқиш каби ҳолатлар асло кузатилмаган”**.

Саййид Муҳаммад Ҳасанийнинг **“Икки олам сарвари”** асаридан **Ғиёсиддин ҲАБИБУЛЛОХ** таржимаси

<sup>1</sup> Имом Термизий, Имом Аҳмад ва Имом Абу Довуд ривояти.

<sup>2</sup> Воқеа сураси, 37-оят.

### Муҳим саналар

## Раҳмат ва мағфират ойи Рамазон

1-бетда

Пайғамбаримиз алайҳиссалом таъкидлаганларидек, рўза қалқондир, у бандани гуноҳ қилишдан, турли жисмоний иллат ва хасталиклардан, охира азобида сақлайди.

**«Рамазон ойи – одамлар учун ҳидоят (манбаи) ва тўғри йўл ҳамда ажрим этувчи ҳужжатлардан иборат Қуръон ноил қилинган ойдир...»** (Бақара сураси, 185-оят).

Ҳа, Рамазон тоат-ибодат, хайр-барака, бахту иқбол ойдир. Бу ойда мўминлар кундузларини рўзадор, кечаларини эса таровеҳларда, хатми Қуръонларда бедор ўтказишади. Кундузлари ҳам, кечалари ҳам ажиб бир сакинат ва файзли кечади.

Рўзанинг фойдаларидан яна бири шуки, бу ойда инсон онгу шуури, тафаккури тиниқлашади. Илгари илғамайдиган, ҳис этмайдиган нарсаларини сезиб, ҳис қила бошлайди. Луқмони Ҳаким ўғлига: **“Эй ўғилчам, агар қорин тўядиган бўлса, фикр ўлади, ҳикмат гунг бўлади**

ва аъзолар ибодатдан тўхтаб қолади”, деган.

Рўзадор Рамазон ойида ўзининг ҳаёти, тириклиги учун зарур бўлган нарсаларни маълум муддат кечиктириб туриш маъласини ҳосил қилади. Бу эса унга ўзи учун зарарли бўлган, ман этилган нарсаларни тарк этишга замин яратади. Уламолар инсон бир амални қирқ кун давомида бажарса, унга одатлашиб қолади, дейишади. Демак, мўмин киши Рамазоннинг ўттиз кунига Шавволнинг олти кунини кўшиб рўза тутса, қарийб қирқ кун бўлиб қолади. Ана шу муддатда у кўплаб яхши ҳислатларни касб қилиши мумкин, иншоаллох.

Ҳар бир аъзонинг ўзига хос рўзаси бор. Қалбнинг рўзаси Аллоҳ таолонинг зикридан тўсадиган нарсаларга берилишдан холи бўлиш; кўзнинг рўзаси ёмон, қайтарилган нарсаларга қарамаслик; тилнинг рўзаси ёлғон, ғийбат, чақимчилик, фаҳш гаплар, хусумат, мақтанчоқлик бефойда-лағв сўзлардан

тийилиб, Аллоҳ таолонинг зикри ва Қуръон тиловати билан машғул бўлиш; қулоқнинг рўзаси эшитиш мумкин бўлмаган барча нарсаларни эшитмаслик; кўл ва оёқларнинг рўзаси гуноҳ ишларга боришдан ва уларни қилишдан сақланишдир.

Рамазон ойида қилинган амалнинг савоби бошқа ойлардагига нисбатан бир неча карра ортиқ бўлади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: **“Рамазондаги умра (нинг ажри) мен билан қилинган ҳаж (нинг ажри)га тенг келади”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Рамазонда минг ойдан афзал кеча – Қадр кечаси бор. Албатта, Рамазон бундан бошқа ҳам кўплаб фазилатларга бой, уларни санаб адоғига етиш қийин.

Аллоҳ таоло кириб келаётган Рамазон ойини барчамизга қутлуғ ва муборак қилсин!

Юсуфхон ШОДИЕВ,  
“Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юрти ўқитувчиси

### Масала

## Намозга доир фатволар

### 362-ФАТВО

Жума хутбасига ҳозир бўлганлар намозда ўтиргандек чўккалаб ўтиришлари мустаҳаб. (Ёнбошлаб, суяниб, оёқларни узатиб ўтириш одобсизлиқдир).

«Оламгирия», «Музмарот», «Меърож»

### 363-ФАТВО

Намозхон жуманинг тўрт ракат суннати ўқиб турганида имом иккинчи азондан кейинги хутбани ўқий бошла-са, сажда қилмаган бўлса, намозни тўхтатиб, хутбага қулоқ солади. Агар сажда қилиб кўйган бўлса, икки ракатни тугатиб, сўнг хутбага қулоқ солади.

### 365-ФАТВО

Беморга қараб турган киши учун жумага бориш вожиб бўлмайди.

«Нафъул муфтий», «Дуррул мухтор»

### 366-ФАТВО

Жума намози дуруст бўлиши учун жамоат бўлиши ҳам шарт. Бунда имомдан ташқари камида уч эр киши ҳозир бўлиши керак.

«Оламгирия», «Фатҳул Қадир», «Муҳит»

### 367-ФАТВО

Шаҳарда узрсиз жума ўқимаганлар жума намози тугамагунича пешин намозини ўқимай туришлари лозим. Бемор ва мусофирлар ҳам пешин намозини жумадан кейин ўқишлари мустаҳабдир.

«Оламгирия», «Канз», «ал-Важиз»

### 369-ФАТВО

Икки ҳайит намозлари вожибдир. Унинг шартлари жума шартлари билан бир хил. Фақат уларда хутба суннатдир. Жуманинг хутбаси намоздан олдин ўқилса, икки ҳайитники намоздан кейин ўқилади. Рамазон ҳайитининг намози узр билан эртаси куни ўқилиши мумкин. Қурбон ҳайити намози узрли ва узрсиз, уч кунгача ўқиладигани.

«Оламгирия», «Муҳит», «Мухтасар»

### 370-ФАТВО

Ҳайит намозига кеч келиб, имомни рукуда топган киши тик ҳолда таҳрима такбирини айтгач, қарайди: агар имом рукудан бошини кўтармасидан олдин учта ҳайит такбирини айтишга улгурса, уларни тик ҳолда айтиб, кейин руку қилади; улгурмайдиган бўлса, рукуга бориб, такбирларни айтиб тугатади. Лекин уч такбирни рукуда айтганида кўллари-ни кўтармайди. Агар рукуда такбирларни айтаётганида имом рукудан бошини кўтарса, имомга эргашиб, у ҳам бош кўтараверади. Айтилмай қолган такбирлар соқит бўлади.

«Оламгирия», «ас-Сирож», «Кофий»

5-бетда

# Мансух бўлган ҳадислар ҳақида

Қуръон ва суннатга тўғридан-тўғри амал қилмоқчи бўлган киши ҳукми бекор бўлган ҳадисларга дуч келса, у ҳадиснинг айтилган замони ва макони, ҳолатларини билмагани учун ҳам унга амал қилади, ўзича ҳукм олади ва бу иши тўғри эмас.

Шуни ёдда тутиш лозимки, ҳадиснинг “Саҳиҳул Бухорий” ё “Саҳиҳул Муслим” ёки ундан бошқа тўпламларда борлиги унга амал

қилиш учун етарли асос бўлмайди. Худди Қуръони карим оятларида носих-мансухи бўлгани каби ҳадисларда ҳам, гарчи саҳиҳ бўлса-да, ҳукми бекор қилинган, амалдан қолдирилган ҳадислар бор. Уларнинг ҳадис китобларига киритилишининг сабаби шариатнинг қандай шакллангани борасида ҳужжат-далилларни жамлаш учундир. Шундан биламизки, ҳадиснинг ишончли тўпламларда

қилишининг ўзи амал қилиш учун кифоя қилмайди. Балки у ҳадис Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳаётлари даврида бекор қилинганми ё йўқми, ҳадис ҳақида мужтаҳид олимлар нима дейишган – шуларни аниқлаш, уламолардан сўраш лозим.

“Нега мазҳабга эргашилади?”  
китобидан **Азизбек ХОЛНАЗАРОВ**  
таржимаси



## Ҳикматлар хазинаси

Ҳазрат Ашраф Али Таҳонавий айтадилар: «Баъзилар: “Мен фалончидек бўлолмадим”, дея ғам чекадилар. Мақсад амалда баробар бўлиш эмас, балки Аллоҳ таолони рози қилишдир. Аллоҳ таолони рози қилишда кучли билан заиф ўз қувватларига яраша амал қилиб баробар бўлиши мумкин. Тариқат йўллари босиб ўтиш билан кишида руҳоний сиҳҳат пайдо бўлади. Лекин куч-қувват фитрий ва табиий нарсалар. Руҳоний сиҳҳат топган киши зоҳирий ва ботиний амалларни ихлос билан қила бошлайди. Зоҳирий ва ботиний амалларни ихлос билан бажара бошлаган киши руҳоний жиҳатдан сиҳҳат ва саломатликка эришган ҳисобланади».

## Ёмонликдан қайтариш



Одамлар орасида тарқалган энг ёмон иллатлардан бири ғийбатдир. Бирор даврада кечаётган суҳбатни кузатасизми, кўчада гаплашиб турган икки одамнинг гурунгига қулоқ соласизми, кимларнингдир орқасидан ёмонлашаётганига гувоҳ бўласиз. Бу иллатга эркагу аёл баробар мубтало бўлган.

Анас ибн Молик розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «**Меърожга чиққанмда мисдан бўлган тирноқлар**

## Асл мақсад Ҳақнинг розилигидир

\*\*\*

«**Айнан улар Парвардигорлари томонидан (ато этилган) ҳидоят узра (барқарор) дирлар ва ана ўшалар (охиратда) нажот топувчилардир**» (Бақара сураси, 5-оят).

Бу оятда икки нарсаси – ҳидоят ҳамда нажот мукофот сифатида зикр этилган. Чунки бундан олдинги оятда ғайбга ҳамда пайғамбарларга иймон келтириш сифатлари келтирилган. Бу оятда эса иймонга мукофот ўлароқ ҳидоят ва нажот ваъда қилинган. Нажотни амалга мукофот бўлишини тушунса бўлади, чунки нажотнинг

маъноси мурод ва мақсадга етмоқдир. Аммо ҳидоят эса, йўлни кўрсатиш маъносидадир. Бир нарсанинг йўлини кўриш мақсад ҳам, амалга мукофот ҳам бўлиши мумкин эмас. Ҳазрат мана шу шубҳани даф қилиш учун ўзи билан содир бўлган бир воқеани айтиб берадилар:

«Бир одам Меюротга кетаётган поездга минмоқчи экан, адашиб Руркийга, яъни қарама-қарши тарафга кетаётган поездга чиқиб олибди. Поезд юрганидан кейин хато қилганини билди. Мен ҳам ўша поездда Руркийга кетаётган эдим. У одамнинг ниҳоятда

қаттиқ изтиробга тушганини кўрдим. Мен эса ўз жойимда хотиржам ўтирибман. Унга тасалли бераман десам, парво қилмасдек туюлди. Поезд тезлагани сайин унинг паришонлиги яна ортиб бораверди. Ўша вақтда билдимки, манзил ва мақсад томон тўғри йўлда кетаётганини аниқ билишнинг ўзи ҳам инсон учун катта неъмат ва роҳат экан. Шунинг учун буни амалга мукофот қилиб белгиласам бўлаверади. Бу оят мўминларни “Сизлар саҳиҳ ва тўғри йўлдан бормоқдасизлар, ҳеч ташвиш қилманглар”, дея хотиржам қилмоқда. Бундан ортиқ яна қандай неъмат бўлиши мумкин?!»

“Мажолиси ҳакимул умма”  
асаридан **Ёрқинжон ФОЗИЛОВ**  
таржимаси.

## Ғийбат – катта, жуда оғир гуноҳ

**билан юзларию кўксиларини тирнаётган бир қавмнинг олдидан ўтдим. “Эй Жаброил, улар ким?” деб сўрадим. “Улар дунёда одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкканлар”, деди у»** (Имом Абу Довуд ривояти).

Тўғриси айтганда, ғийбатга мойиллик ҳар биримизда қайсидир даражада бор. Бу борада ўзимизни оппоқ қилиб кўрсатолмаймиз. Оғир гуноҳ эканини билсак-да, уни содир этишдан ўзимизни тўхтата олмаймиз. Айниқса, кимдир сизни ранжитадиган иш қилса ёки бирор қилиғи ёқмаса, аввалига уни ичингизда ёмон кўрасиз, кейин шундай пайт келадики, унинг камчилигини бошқаларга беихтиёр гапириб юборасиз.

Хўш, бу иллат нега бугун жамиятимизда кенг ёйилди?

Биз учун гўё арзимас нарсалар туюлган ғийбат одамларнинг обрўсини тўкишга, улар ҳақида салбий тасаввур пайдо

бўлишига хизмат қилади. Чунки ғийбатга кўпинча бадгумонлик сабаб бўлади. Эътибор берсангиз, бошқаларнинг ҳаракатларидан ёмонлик излашга мойил бўлиб қолганмиз ва ўз гумонимизга шунчалар ишонамизки, уни текшириб кўриш ҳаёлимизга ҳам келмайди. Натижада бировни асоссиз равишда ёмонотлиқ қиламиз. Бу унга қанчалар оғриқли бўлиши мумкин. Қолбунки, ўша салбий сифат унда ҳақиқатан мавжуд бўлса, орқаворотдан гапирмай, камчилигини ўзига айтиб, тузатишига ёрдам беришимиз керак. Биз эса ўзимизча буни айтишга андиша қиламиз-у, ғийбатини қилишдан уялмаймиз. “**Мўмин – мўминнинг кўзгуси**” деган ҳадисга амал қилмаслигимиз бизни шу аҳволга солган. Тўғри, ҳозирги пайтда бировга айбини айтсангиз, раҳмат айтмайди, балки ёмон кўриши, ҳатто сиз билан жанжаллашиб қолиши ҳам

мумкин. Айни шу нарсаси бизни ғийбатчига айлантириб қўйган. Аммо шуни баҳона қилиб тилимизни ғийбатдан тиймаслигимиз яхши эмас. Аксинча, бировнинг хато ёки камчилигини ўзига айтишнинг одобларини ўрганишимиз лозим. Энг муҳими, бу ишни чин дилдан, унга яхшиликни илинган ҳолда, ёлғиз ўзига билдириш шарт билан амалга ошириш керак. Ана шунда бу иш фойда бериши мумкин (Буни уddалай олмасак, ҳеч бўлмаганда, уни бошқаларга айтишдан тийилганимиз яхши). Натижада кўпчилик холис фикрни қабул қилишга одатланади ва жамиятимизда соғлом муҳит вужудга келади. Табиатан ғийбатчи бўлган кишилар ҳам тилини тийишга мажбур бўлади.

**Азиза РАҲМАТОВА**,  
Самарқанд тумани бош имом-хатиби  
ёрдамчиси

# Жаннатдаги уйни бой берманг

1-бетда

Аллоҳ таоло бизни масжидларни обод қилишга буюрган. Масжидлар ободлиги тоатибодатлар ҳамда жомени пок сақлаб, табиий ва бошқа зарарлардан муҳофаза қилиш орқали амалга ошади. Зеро, ояти кари-мада: «(У) бир уйлардаки, Аллоҳ уларнинг кўтарилишига ва уларда Ўз исми зикр қилинишига изн бергандир. Уларда Унга эртаю кеч тасбеҳ айтурлар», дея марҳамат қилинади (Нур сураси, 36-оят).

– Айни чоғда юртимизнинг барча ҳудудларида замонавий масжидлар қад ростлаяпти. Айтинг-чи, сўнгги йилларда диёримизда қурилган ва қайта таъмирланган масжидлар сони қанча?

– Сўнгги йилларда барча соҳалар қатори диний-маърифий йўналишда ҳам кенг ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, масжидларга бўлган эътибор янада ортди. Юзлаб масжидларда намозхонларга қулай шароитлар яратилмоқда, эски бинолар ўрнида янгилари миллий ва замонавий меъморий услубда қурилмоқда. Охирги беш йилда 385 та масжид ва 633 та таҳоратхона тўла қайта қурилиб, 487 та масжид ва 517 та таҳоратхона таъмирдан чиқарилди. Биргина 2022 йилнинг ўзида 13 та янги масжид давлат рўйхатидан ўтказилиб, намозхонлар хизматида топширилди. Шунингдек, 50 та масжид қайта қурилиб, 38 таси тўлиқ таъмирланди.

Айни пайтда 325 та масжидда қурилиш ишлари давом этмоқда. 2023 йил охиригача 49 та янги масжидни фойдаланишга топшириш, 147 та масжидни қайта қуриш режа қилинган.

– Масжидларда қурилиш-таъмирлаш жараёни, бу ишларга ҳомийларни жалб қилиш ва келиб тушган маблағларни тўғри йўналтириш қандай кечмоқда?

– Масжид қурилиши жараёнида шаффофлик таъминланган. Жамоатчиликдан ҳеч нарсаяширилмайди. Аввало, қурилиш ёки таъмирлаш ишлари бошланаётган масжидларда хайрия маблағларини қабул қилиш ва тўғри сарфлаш мақсадида масжид ходимлари ва ҳолис фуқаролардан иборат махсус

хайъат тузилади. Ҳар бир хайрия далолатнома асосида қабул қилинади. Ушбу хайъат фаолиятининг шаффофлиги Мусулмонлар идорасининг ҳудудлардаги вакилликлари муҳтасиблари томонидан мунтазам назорат қилиб борилади.

Масжидлар билан ишлаш бўлимимиз қошида ташкил этилган сектор томонидан 2022 йил давомида қурилиши бўлаётган масжидларга 1 млрд. 500 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, муҳим тавсиялар берилиб, йўл-йўриқлар кўрсатиб келинмоқда. Келгусида ушбу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайтирилади, иншоаллоҳ.

– Масжид таъмирга муҳтож бўлса ёки унга қўшимча бино қуриш зарурати юзага келса, расмиятчилик ишлари қандай амалга оширилади?

– Масжид биноси табиий ва техноген офатлар туфайли яроқсиз ҳолга келиб қолса ёки намозхонлар масжидга сиғмай қолса, шунингдек, қиш ва ёз мавсумига, шаҳарсозлик меъёрларига жавоб бермаса, бу масала мутасадди ташкилотлар томонидан ўрганилиб, ҳулоса берилади. Ушбу ҳулоса масжидни қайта қуришга асос бўлади.

Жомени енгил таъмирлаш ишлари учун эса, масжид фаолларининг умумий йиғилиш қарори кифоя. Шу қарор асосида енгил пардозлаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилаверади.

– Юртимизда тарихий масканларни обод қилиш, зиёратчиларга қулайликлар яратиш орқали зиёрат туризмини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масжидларни обод этиш ва жиҳозлашда ҳам шу жиҳатлар назарда тутилганми?

– Албатта, туризмни ривожлантиришда масжидлар, зиёратгоҳлар, тарихий обидаларнинг ўрни бекиёс. Айни шу мақсадда юртимиздаги муборак қадамжо ва сайёҳлик масканларида, катта йўллар бўйида намозхона, таҳоратхона ва автотурагаргоҳларни ўз ичига олган замонавий масжидларни қуриш, борларини обод қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.



Айни пайтда катта йўл бўйларида 15 та масжид янги лойиҳа асосида тубдан қайта қурилмоқда, 7 та жомени қайта қуриш, 5 тасини йўл бўйига кўчириш режалаштирилган. Шунингдек, катта йўлга яқин бўлган масжидлар номи ва масофасини кўрсатувчи махсус белгилар ўрнатилди. Мазкур қулайликлар юртимизга ташриф буюрувчи сайёҳларни ҳам бефарқ қолдирмайди.

– Баъзан масжид қуриш баҳонасида фирибгарлик қилаётганлар ҳам учраб турибди. Ана шундай “ҳожатбарорлар” тузоғига тушиб қолмаслик учун нималарга эътибор бериш керак?

– Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Masjid Bunyodkorlari деган телеграм канали очилган бўлиб, унда қурилиш-таъмирлаш ишлари бўлаётган масжидлар манзили, имом-хатибининг исм-шарифи, қурилиш жараёнлари ҳақида маълумотлар, масжид номига очилган корпоратив пластик карточка ё банк ҳисоб рақамлари қайд этилган.

Демак, бирор масжидга ҳомийлик қилмоқчи бўлган ё имкони етгунча хайрия қилмоқчи бўлган киши Диний идоранинг Масжидлар билан ишлаш бўлими қошидаги масжидларда қурилиш-таъмирлаш ишларига моддий кўмаклашиш ва назорат қилиш бўйича секторга ёки қурилиш-таъмирлаш ишлари бо- раётган масжид имом-хатибига учрашгани мақсадга мувофиқ.

Ҳиммати баланд юртдошларимиздан дуч келган эълонга ишониб қолмасликларини илтимос қилган бўлардик. Зеро, динимиз таълимотида нотаниш одам ёки хабари синаб кўрилмаган кимсанинг ахборотини текширмай туриб, қабул қилмаслик буюрилган.

Баҳриддин ХУШБОҚОВ  
суҳбатлашди.

Масала

3-бетда

371-ФАТВО

Ҳайит намозининг биринчи ракатида имом қироатдан олдин уч такбир айтишни унутиб, қироат қилиб қўйган бўлса, уларни қироатдан кейин айтиши ҳам мумкин.

«Оламгирия», «Татархония»

373-ФАТВО

Ҳайит намози билан жаноза намозини ўқиш бир вақтга тўғри келиб қолса, биринчи бўлиб ҳайит намози, кейин жаноза ўқиладди. Бунда ҳайит намозининг хутбаси жаноза намозидан кейин ўқиладди.

«Оламгирия», «Куня»

374-ФАТВО

Қурбон ҳайитининг Арафа кунги бомдод намозидан бошлаб Ташриқ кунларининг охирги (ҳайитнинг тўртинчи) куни аср намозидан кейингача ҳар бир жамоат билан ўқилган фарз намозидан кейин Ташриқ такбирини бир марта айтиш вожиб. Такбири ташриқ бундай: «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар. Лаа илаҳа илلاллоҳу валлоҳу акбар. Аллоҳу акбар. Валил-лаҳил ҳамд».

«Оламгирия», «Мухтасар»

375-ФАТВО

Ташриқ такбирини имом айтмаса, иқтидо қилувчилар дарҳол айтиб юбормасдан имомнинг ҳақиқатан такбирни унутиб қўйганига ва айтмаслигига тўла ишонч ҳосил қилишлари лозим. Масалан, гапириб юбориши, бошқа зикр-тасбеҳларни бошлаб юбориши, масжиддан чиқиб кетишга ҳаракат қилиши каби ҳолатлар содир бўлса, шундагина такбирни муқтадийларнинг ўзлари айтадилар.

«Оламгирия», «Табийн»

376-ФАТВО

Қуёш тутилганида жоме масжидида ёки кенг майдонда жума масжидининг имоми жамоат билан икки ракат нафл намоз ўқиши суннатдир. Қироат товушсиз, узун қилинади. Намоздан сўнг узок дуо қилинади. Агар имом келмаса, намоз якка-якка ўқиладди. Лекин Имом Ҳалвоний раҳимаҳуллоҳ сўзига кўра, жума, ҳайитга ўтиб юрган имом узр билан кела олмай, бошқа бирор кишини имом бўлиб ўқишга буюрса, жоиздир. Қавмга малол келтирмаслик мақсадида имом қироатни узун қилса, дуони қисқароқ қилади. Дуони узок қилмоқчи бўлса, қироатни қисқароқ қилади.

«Мухтасар», «Оламгирия», «Жавҳара»

7-бетда

# Макканинг мухтасар тарихи

Макканинг илк аҳолиси Амолика<sup>1</sup> қабиласига мансуб кишилар бўлгани айтилади. Бироқ манбаларда улар ҳақидаги маълумотлар жуда оз. Амолика қабиласи ҳазрати Худ алайҳиссалом давридан эътиборан Маккада фаровон яшай бошлаган. Вақт ўтиб, ораларида жанг-жадаллар чиқиб, Аллоҳни инкор этиб, ўзаро зулм қила бошлашди. Исён ва инкорларига жазо ўлароқ Аллоҳ таоло уларни қурғоқчилик ва қаҳатчиликка дучор қилди. Амоликаликлар ўзларига бало қилиб юборилган чумолилар туфайли шаҳарни тарк этишга мажбур бўлишди ва Яманга қайтиб кетишди...

Манбаларда шаҳарнинг ўтроқ аҳли Иброҳим алайҳиссаломнинг оила аъзолари экани айтилади. Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан мурғак ўғли ҳазрати Исмоил ва унинг онаси Ҳожар онамизни ҳозирги Маккада қолдириб, ўзи ортга қайтади. Бу ҳақда Куръони каримда қуйидагича хабар берилади: «(Иброҳим алайҳиссалом деди:) **Мен зурриётимдан (бир қисмини – ўғлим Исмоил ва онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузуридаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим**»<sup>2</sup>.

**“Экин ўсмайдиган бир водий”** – Маккада она-бола тез орада ташналик синови билан юзлашади. Ҳазрати Ҳожар Сафо ва Марва тепаликлари орасида сув қидириб ўқдан-бу ўққа чопа бошлайди. Умиди сўниб, ўғлининг ҳаёти тугади, деб ўйлаганида, Аллоҳнинг қудрати ва лутфи билан чақалоқ ётган жойдан бир чашма отилиб чиқади. Булоқ суви тезлаб оқа бошлаганини кўриб, Ҳожар онамиз шошиб қолади ва: “Зам! Зам!”, яъни “Тўхта,

тўхта!” дейди. Шу сабаб булоқнинг номи “Замзам” бўлиб қолган.

Она-бола унинг ёнида умр кечира бошлайди. Бу сув уларнинг ҳаётини изга солгани каби, изсиз бўлиб кетаётган Макка водийси тарихида ҳам қайта жонланишни пайдо қилади. Кўп ўтмай, Ямандан келган журҳумийлар Макка атрофини макон тутишади. Улар орасида улғайган Исмоил араб тилини ўрганади. Қабила оқсоқолларидан бирининг қизига уйланади.

Исмоил алайҳиссаломдан сўнг Макканинг бошқаруви журҳумийлар қўлига ўтади. Исмоил алайҳиссаломнинг динида бўлган журҳумийлар бора-бора йўлдан озади. Ҳаром ишларни қилиб, ташқаридан келган кишиларга зулм қила бошлайди. Аллоҳнинг байти – Каъбага ҳам ҳурматсизлик қилиб, унга тақдим этилган ҳадяларни ўғирлашади. Шунда Кинона ва Ҳузоъа қабилалари бирлашиб, Макка бошқарувини журҳумийлардан олишади. Журҳумийлар ўз юртлари Яманга кетишдан олдин Ҳажарул асвадни номаълум ерга яшириб, Замзам кудуғини киши тополмайдиган қилиб кўмиб ташлашади. Улардан кейин Макка бошқаруви Ҳузоъа қабиласига ўтади. Исмоил ўғиллари озчилик бўлгани учун ҳузоъаликлар билан битим тузиб, шаҳарда яшаб қолишади.

Ҳузоъаликлар даврида қабила оқсоқоли Амр ибн Луҳайнинг бошқарувдаги маҳорати араблар орасида обрўсини ошириб юборди. Айниқса, қаҳатчилик пайтида минглаб туя сўйиб икром қилиши, ҳожиларга егуликлар улашиши эътирофларга сазовор бўлди. Бошқа томондан эса, Амр ибн Луҳай ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом келтирган динга зид ишлар ҳам қилди.

У Суриянинг Балқа вилоятидан Ҳубал номли бутни Маккага келтирди. Унинг ташвиқи билан араблар орасида бутпарастлик ёйилди...

V асрнинг биринчи ярмида Қусай ибн Килоб бошчилигидаги Қурайш қабиласи Ҳузоъа қабиласидан Макка бошқарувини тортиб олади. Қусай турли жойларда яшаётган қабиладошларини Каъба ва атрофида, бир қисмини Макка ташқарисига кўчириб, ўтроқлаштиради. Каъбани таъмирлаб, журҳумийлар яшириб кетган Ҳажарул асвадни ўз ўрнига қайтаради, ҳажга оид ишларни тиклайди.

Қусайдан сўнг Макка бошқаруви унинг катта ўғли Абдуддорга ўтди. Бироқ ака-укалар ўртасида келишмовчилик келиб чиқади. Қурайш қабиласи Абдуддор, Абдуманоф тарафдорлари ва бетарафлар бўлган уч гуруҳга айрилади. Ҳар бир гуруҳ бир-бирларини охиригача қўлаб-қувватлашга қасам ичишади. Вазият таранглашганида, бетараф томоннинг аралашуви билан муросясакланади. Шу тариқа Қурайш ички қонли урушлардан омон қолади.

Маккаликларнинг асосий тирикчилиги тижорат эди. Макка ишончли ва муқаддас маскан бўлиб, йил бўйи зиёратчилар аримас, айниқса, ҳаж мавсумида бутун араблар йиғилдиган гавжум шаҳар, бошқача айтганда, савдо маркази ҳисобланарди. Қурайшликлар Маккага келган тожирлардан мол олар, ён-атрофдаги арабларга олиб бориб сотишарди. Кейинроқ Қусайнинг набираси Ҳошим ибн Абдуманоф тижорат кўламини янада кенгайтди. Бир томондан Макка аҳли ва ҳожиларнинг озик-овқат эҳтиёжларини қондириш чораларини кўрди. Бошқа томондан эса Сурия ва Ҳабашистон

худудида тижорий ишларни йўлга қўйишга, бошқа қабилалар билан ҳам ҳеч бир божларсиз тижорий ҳамкорлик қилишга эришади. Шундай қилиб, Макка тижорати халқаро майдонга чиқди. Қурайш тижорат карвонларини қишда Яман ва Ҳабаш диёрига, ёзда Суриядан Онадўлига қадар юборарди.

Ҳошим тижорат учун Сурияга бо-раётганида бир муддат Ясриб (Мадина)да қолиб, ўша ерда уйланади. Бу оиладан Пайғамбар алайҳиссаломнинг бобоси Шайба дунёга келади. Ҳошим сафар асносида хасталаниб, Фаластиннинг Ғазо қасобасида вафот этади ва ўша ерга дафн этилади. Тоғалари Шайбани иззатикром билан катта қилишади. Отасининг ўлиmidан етти-саккиз йил ўтгач, амакиси Мутталиб Шайбани Маккага олиб кетади. Қурайш орасида Шайба “Мутталибнинг кули”, яъни “Абдул Мутталиб” номи билан машҳур бўлади. Амакиси уни тарбиялаб, ўлими олдидан қабиласига бошлиқ этиб тайинлайди. Шайба (Абдулмутталиб) Аллоҳнинг ёрдами билан журҳумликлар кўмиб кетган Замзам булоғини топиб, ундан сув чиқаради. Унга эгалик ҳуқуқини қўлга киритиб, ҳожиларни таом ва сув билан таъминлай бошлайди. Ислоом келганида ҳам бу вазифани Бани Мутталиб қўлида қолдирди. Бани Мутталиб ҳозиргача Замзам кудуғига эгалик қилади.

Қудрат Буюк Жўшқиннинг “Арабистон” Маҳмуд Қаллатиннинг “Исломдан олдинги жанубий ва шимолий Арабистон” асарлари асосида **Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ** тайёрлади.

<sup>1</sup> Араб тарихчилари “Амолика” ёки “Имлаку” шаклида қайд этган бу қадимги қабила тарихи Исҳоқ алайҳиссаломнинг набираси Алифознинг жорияси Тимнадан туғилган ўғли Амолак номига боғланади.  
<sup>2</sup> Иброҳим сураси, 37-оят.

## Мулоҳаза

Ижтимоий тармоқлардан бирида қуйидаги ёзувлар эътиборимни тортди: “Ўғлимдан моддий ёрдам (алимент) ундириш учун қаерга мурожаат қилай?”

Сарлавҳанинг ўзиёқ кишини бир сескантиради, тўғрими?

— II гуруҳ ногирониман, ёшим 70 дан ошган. Кексайганимда ёлғиз ўғлим ўз ҳолимга ташлаб қўйди. Сўнги пайтда тез-тез тобим қочиб, ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлиб қолдим. Олаётган нафақам дори-дармонимга ҳам етмайди... Ўғлимдан нафақа пули ундириш учун қаерга мурожаат қилай?

Наҳот биз шу ҳолатга келиб қолдик? Миллатимиз ва мусулмончилигимизга доғ эмасми бу? Айни неваралари қуршовида кексалик гаштини сурадиган кезларда “эшиқдан ким кириб келаркин”, деб мўлтиллаб

## Фарзанд меҳрига ташна ота-оналар

ўтирса-я... Ахир у ўғли дунёга келганида, илк бор тетапоя қадам қўйганида, “дада” дея тили чиққанида қанчалар қувонган эди. Кези келганда, ўзи емаса ҳам, фарзандига илингани, киймаса ҳам, кийдиргани бор гап.

Ота-она энг мўътабар, ҳар қанча эъзозга лойиқ зотлардир. Динимизда ҳам ота-онага яхшилик қилиш, уларни ҳурматлаш такрор-такрор айтилади.

Шундай кезлар қариялар уйидаги нуроний бобою момоларнинг меҳрга ташна нигоҳлари кўз ўнгимдан бир-бир ўтади. Бир гал Сожида хола билан узоқ суҳбатлашувдим.

Унинг ҳаёти юқоридаги отахонни-кидан қолишмайди. Ундан ҳам аянчироқ. Беш йил аввал ўғли уйни қиморга ютқазгану ғойиб бўлган. Чет элга қочиб кетган эмиш. Ҳам ота, ҳам она ўрнида катта қилган ёлғиз ўғлига энди тўй қиламан, келинимнинг қўлидан чой ичаман, набираларимни тарбиялайман, деб яхши ниятлар қилиб юрган эди. Барчаси сароб бўлди. Икки йилча ҳали у қариндоши, ҳали бу қариндошиникида турди. Аммо ўз уйинг бўлмаса... Мана 3 йилдан бери “Саховат уйи”да яшайпти. Ўтган йили бир қўшниси Сожида хола-нинг ўғлини кўриб қолиб, онасининг

қаердалигини, уни интизор бўлиб кутаётганини айтибди ҳам. Лекин ўғилдан дарак йўқ. Онаизор эса, ўғлим мени олиб кетади, деган умид билан яшамокда.

Бувимдан кўп эшитганим бор: “Болам, қара, қандай тўкин замонларда яшайпсизлар. Ота-оналарингиз сизларга шунча шароитларни ҳозирлаб беряпти. Улар қариганда сизлар ҳам боладек парвариш қиласизлар-да”, дерди. Тўғриси, ўша кезлар болалаларча ўй-хаёллар оғушида-ми, ушбу гапларга унчалик аҳамият бермасдим. Йиллар ўтгани сари ота-она ғанимат, уларни рози қилиш фарзанднинг бурчи эканини англаяпман.

Ота-оналаримизни асло эътиборсиз қолдирмайлик, азизлар!

**Ҳувайдо ХЎЖАМҚУЛОВА,** журналист



Масала

5-бетда

## Рўзага доир фатволар

### 520-ФАТВО

Рўза уч турли бўлади — фарз, вожиб, нафл. Фарз рўза икки хил — муайян фарз, яъни Рамазон ва каффорат рўзаси ҳамда Рамазоннинг қазо рўзаси. Вожиб ҳам икки хил бўлади: муайян назр ҳамда мутлақ (қачон ва қанча тутилиши тайин этилмаган) назр рўза. Қолган рўзалар нафл ҳисобланади.

Рўзанинг вақти тонг ёришгандан то куёш ботгунига қадардир.

«Оламгирия», «Қозихон»

### 522-ФАТВО

“Куёш ботди” деб, икки киши, “ботгани йўқ” деб, икки киши гувоҳлик берганидан сўнг оғзини очиб юборган рўзадорнинг куёш ботмай туриб ифторлик қилгани маълум бўлса, фақат қазо вожиб бўлади, каффорат эмас.

«Оламгирия», «Қозихон»

### 523-ФАТВО

Рўзанинг фарз бўлиш шартлари — иймон, ақл, балоғат, соғлиқ, муқимлик, ният, ҳайз ва нифосдан пок бўлиш. Ният дил билан бўлади.

«Оламгирия», «Кофий», «Ниҳоя», «ан-Наҳр ал-фоқ»

### 524-ФАТВО

Рамазон кечасида туриб, саҳарлик қилишнинг ўзи рўза нияти ўрнига ўтади. Мазҳабимизда Рамазон рўзаси учун ҳар куни алоҳида ният қилинади.

«Оламгирия», «Хулоса», «Қозихон»

### 526-ФАТВО

Қазо, каффорат ва мутлақ назр рўза учун тонг отмасдан олдин — тунда ният қилиш шарт.

«Мухтасар», «Ниҳоя», «ас-Сирож»

“Минг бир фатво” китобидан

## “Сўзинг оз бўлсин, маъноли бўлсин...”

ривоят қилади: «Мен: “Ё Расулulloҳ, мусулмонларнинг қайси бири афзал?” деб сўрадим. У зот: “**Мусулмонлар унинг тили ва қўлидан саломат бўлган киши**”, дедилар» (Муттафақун алайҳ).

Демак, мусулмон киши ҳеч кимга тили ва қўли билан азият бермаслиги керак. Бу жойда бежиз тил қўлдан аввал зикр қилинмаган. Чунки тилдан етадиган азият қўлдан етадиган азиятдан кўпроқ ва қаттиқроқдир.

Уқба ибн Омир розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: «Мен: “Ё Расулulloҳ, нажот нима?” дедим. У зот: “**Тилингни тий, уйинг сени сиғдирсин ва хатоларингга йиғла**”, дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, яхши гап айтсин ёки жим турсин**”, дедилар (Муттафақун алайҳ).

Ушбу ҳадиси шарифда инсон фақат яхши гапларни гапириши ёки жим туриши лозимлиги айтилган. Зеро, инсон оғзидан

чиққан сўз ўзининг фойдаси ёки зарарига хужжат бўлади. Шунга кўра, фойдали сўзлардан гапириши, бу қўлидан келмаса, жим туриши яхши экан. Бу мавзуда Абдулла Авлонийнинг қуйидаги сатрлари бор:

Сўйласанг сўйла яхши сўзлардин,  
Йўқса жим турмоғинг эрур яхши,  
Ўйласанг яхши фикрлар ўйла,  
Йўқса гунг бўлмоғинг эрур яхши,  
Ишласанг ишла яхши ишларни,  
Йўқса бекорлигинг эрур яхши.

Бошқа шеърда эса бундай деган:

Сўзинг оз бўлсин, маъноли бўлсин,  
Эшитганлар қулоғи дурга тўлсин,  
Сўзинг бўлса қумуш, жим турмак олтун,  
Миси чиқғой сўзинг қўб бўлса бир кун,  
Қўнайган сўзни бўлғай тўғриси оз,  
Шакарнинг қўпидан ози бўлур соз.

Ҳа, инсон дунё ва охирати учун фойдали гапларни гапирса, ўзига ва бошқаларга зарarli сўзлардан сақланса, энг тўғри йўлни танлаган бўлади.

Шокиржон МАДАМИНОВ,  
“Кўкалдош” ўрта махсус ислом таълим  
муассасаси мударриси

### Динимизни ўрганамиз

## Муқтадий имом ортида қироат қиладими?

Ҳанафийлар, Суфён Саврий, Ибн Уяйна, Ибн Абу Лайло ва Ҳасан ибн Ҳайён раҳимаҳумуллоҳ наздида муқтадий имом ортида жаҳрий намозда ҳам, махфий намозда ҳам Қуръондан бирор нарсани қироат қилмайди. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «**Қуръон ўқилганда уни тинглангиз ва сукут сақлангиз! Шояд (шунда) раҳм қилингангиз!**» (Аъроф сураси, 204-оят). Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу айтади: “Ушбу оят нозил бўлгунга қадар одамлар намозда гаплашишар эди” (Имом Байҳақий ривояти). Зайд ибн Аслам ва Абул Олия айтади: “Одамлар имом ортида қироат қилишарди, шунда ушбу оят нозил бўлди”. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳимаҳумуллоҳ: “Одамлар мазкур оятнинг намоз борасида нозил бўлганига ижмо қилишган”, дейди (“ал-Мугний”).

Мазкур оят билан намозда имомнинг қироатига қулоқ солиб, жим туриш фарз бўлади.

Имрон ибн Ҳусайн розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам пешин намозини ўқиб турган вақтда бир

киши у зотнинг ортларида “Сабби ҳисма Роббикал аъла”ни қироат қилди. Намозни тугатгач, у зот: “**Кимингиз қироат қилди?**” дедилар. Бир киши: “Мен”, деди. У зот: “**Баъзингиз у (қироат) борасида мен билан баҳслашмасизми, деб ўйлабман**”, дедилар» (Имом Муслим ривояти).

Имом ортида қироат қилиш масаласидаги ихтилофнинг асли ушбу ҳадисга бориб тақалади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Китобнинг Фотиҳасини қироат қилмаган кишининг намози йўқдир**”, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Аммо ҳанафий уламолар ҳадисдаги “**намози йўқ**”дан мурод намознинг ўзи эмас, балки унинг камоли назарда тутилган, дейишади. Чунки у ва бу борада келган бошқа ҳадислар оҳод хабардир. Улар билан Қуръони карим ояти насх бўлмайди. Бу ҳолатда ояти карима ва ҳадиси шарифни мувофиқлаштириб, «**Энди Қуръондан (ўзингизга) осон бўлган даражада ўқий-верингиз!**» оятига кўра, намозда қироат қилиш фарз, “**Китобнинг Фотиҳасини қироат қилмаган**

кишининг намози йўқдир” ҳадисига кўра, Фотиҳа сурасини ўқиш вожиб бўлади.

Шунингдек, юқорида «**Қуръон ўқилганда уни тинглангиз ва сукут сақлангиз!**» оятига биноан намозда имомнинг қироатига қулоқ солиб, жим туриш — фарз, дедик. Агар муқтадий ҳадисга амал ўлароқ Фотиҳани имом ортида қироат қиладиган бўлса, оятга амал қилмаган бўлади.

Қиёсдан далил. Имом рукуда турган ҳолида намозга келиб қўшилган одамдан — масбуқдан қироат соқит бўлади. Яъни, имомини рукуда топган одам ўша ракатни топган бўлади, уни қайтариб ўқимайди. Агар масбуққа қироат фарз бўлганида, намознинг бошқа арконлари каби у ҳам соқит бўлмаган бўларди. Қироатнинг масбуқдан соқит бўлиши унинг фарз эмаслигига далолат қилади.

Манбалар асосида  
“Имом Термизий” ўрта махсус  
ислом билим юрти ўқитувчиси  
**Юсуф ХУШВАҚТОВ**  
тайёрлади.

Оиладаги тинчлик-тотувлик, аввало, эр ва хотиннинг бир-бирини тушуниши, қўллаб-қувватлаши, ўз мажбуриятларини тўлиқ билиши ва тўғри бажаришига, қолаверса, қариндошларнинг, умуман, жамиятнинг маънавий кўмагига боғлиқ.

Маълумки, ҳаёт бир текис давом этмайди, унинг ўнқир-чўнқирлари кўп. Турли қийинчилик ва муаммоларга дуч келиш табиий. Шундай ҳолатда эр-хотиндан оғир-босиқлик талаб қилинади. Агар сабр-тоқат етмай жанжалли вазият юзага келса, энг тўғри йўл муросадир. Бу борада эркакларда масъулият катта.

Аллоҳ таоло Нисо сурасининг 19-оятда эркакларга хитоб қилади: «Улар билан чиройли ҳаёт кечиринг. Агар уларни ёқтирмаётган бўлсангиз, ёқтирмаган нарсангизда ҳам Аллоҳ кўп яхшилик

# Муроса – тотувлик кафолати



**пайдо қилиши мумкин».** Демак, эр киши учун ўз жуфтига нисбатан сабрли бўлиш, у билан кечирётган ҳаётдан яхшилик умид қилиш хайрли бўлади. Чунки бизга тақдир этилганлар ҳикматсиз эмас.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизларга хотинлар**

**ҳақида васият қиламан. Хотин киши қовурғадан яралгандир. Қовурғанинг қийшиқроқ жойи юқорисидир. Уни тўғрилайман деб уринсанг, синдириб қўясан. Агар тек қўйиб қўйсанг, қийшиқликдан қолмайди. Хотинларга яхшиликни васият қиламан”**, дея таълим берганлар (Имом Бухорий ривояти). Аллоҳ аёлни ожиз қилиб яратган. Эркак киши айна шуни ҳисобга олиши, хотини билан муносиб даражада муомала қилиши мақсадга мувофиқ.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Мўмин мўминани ёмон кўрмасин. Агар у хотиннинг бир хулқини ёмон кўрса, бошқа (хулқи)дан рози бўлиши мумкин”**

(Имом Муслим ривояти), деганлар. Бу бизга катта дарс! Рафиқамизда қандайдир камчилик топилиши унда фазилат йўқлигини англатмайди. Унинг яхши ва ёмон сифатларини бирдек қабул қилишимиз керак. Худбинлик, қайсарлик бунга ҳалал бермаслиги лозим.

Муросаю мадора қарор топган оилада фарзанд тарбияси чиройли бўлади. Уруш-жанжалли хонадонда эса, тарбия ҳақида гапиришга ҳожат қолмайди. Оила деганда фақат эр-хотин эмас, балки болалар ва уларнинг келажаги олдидаги масъулият ҳам тушунилади.

Назиржон Қўчқоров,

Наманган туманидаги “Умарбой ҳожи” жоме масжиди имом-хатиби

## Таффакур

## Ернинг кўринмас қалқони

**Коинотда Ернинг атрофини ўраб олган кўринмас қалқон борлиги аниқланди. Тадқиқотчилар унинг қандай пайдо бўлганини тушуна олмасдан ҳайратга тушдилар.**



Ҳиндистонда инглиз тилида нашр этиладиган Front Line Desk журналининг 2016 йил март ойидаги сониди эълон қилинган мақолада Ван Аллен радиация камарида катта миқдордаги протон ва электронга тўйинган учинчи белбоғ топилиши ҳақида хабар берилди. (Ван Аллен радиация камари – Зарядланган зарраларнинг Ернинг магнит майдонида тутилган камарлари. Юқори нурланишнинг биринчи барқарор тасмаси 1500 километр баландликдан бошланади ва 5000 километр баландликкача узайиб боради. Иккинчи

камар ҳам худди шундай. Юқори рентген нурлари 13000 дан 19000 километргача баландликка жойлашган – Д.Ж.) Ернинг магнит майдони томонидан ушлаб турилган Ван Аллен радиация камари Куёшнинг ҳаракати-га жавобан кенгайди ва тора-яди. Гарчанд, бу радиация камарлари 1958 йил кашф этилган бўлса-да, олимлар Ер юзидан 42.500 километр баландликка чўзилган иккита камарни аниқлай олган эдилар.

Яқинда Боулдер шаҳридаги Колорадо университети профессори Даниел Байкер ва унинг жамоаси 2012 йилда ишга туширилган икки зонд ёрдамида учинчи – йиғилувчи, ўзгарувчан камарни топишди. Кузатишлар натижасида учинчи камар олдин аниқланган икки камарнинг орасида экани маълум бўлди. Бу камар коинотда ҳавонинг ўзгаришига қараб бир пайдо бўлиб, бир ғойиб бўлиб туради.

Бу камарнинг вазифаси аниқ – у зарарли электронларни Ер атмосферасига ўтишдан қайтаради. Уша электронлар нурлантириш хусусиятига кўра ниҳоятда ҳалокатли бўлиб, парвоздаги космонавтларга, сунъий

йўлдошларга, ҳатто бутун коинот тизимига жиддий зарар етказиши мумкин.

Ернинг магнит майдони камарларни ўз жойида тутиб туради, аммо бу камарлардаги деярли ёруғлик тезлигида ҳаракатланадиган электронлар қандайдир кўринмас куч томонидан қайтарилади ва улар сайёрамиз атмосферасига кира олмайди.

Кўринмас қалқон кашф этилишидан олдин олимлар электронлар сайёра атмосферасининг юқори қаватларида ҳавога тарқалиб кетади, деган фикрда эдилар. Аммо улар Ернинг кўринмас қалқони туфайли бизнинг атмосферагача етиб ҳам келмас экан.

Аллоҳ таоло хабар беради: **«Осмонни сақланиб турувчи том қилиб қўйдик. Улар (мушриклар) эса, уларнинг аломатларидан юз ўгирувчилардир»** (Анбиё сураси, 32-оят).

Албатта, бунинг шукронасини қилмоғимиз, бир-биримизга янада меҳрибон бўлмоғимиз, дилозорликдан сақланиб ҳаёт кечирмоғимиз лозим.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

## Газетхон илҳоми

### Одам бўлиб...

Одам бўлиб туғилдик, шукр,  
Мумкин эди бўлмоқ ўзгача.  
Ўзлигини англолмай, ҳайҳот,  
Кўплар келиб-кетди бизгача.

Одам бўлиб туғилдик, шукр,  
Одам бўлиб ўтмоқлик шараф!  
Савоб ишлар қилиб Аллоҳнинг  
Жамолини кўрмоқлик шараф!

Одам бўлиб туғилдик, шукр,  
То ўлгунча бўлайлик одам!  
Яхшиликда наслимиз шодон  
Фахрланиб юрсин биздан ҳам!

Шарифжон АҲМАД, Қамаши тумани

### Моҳи Рамазон

Кўзимиз йўлида, кела қолсайди,  
Азозил занжирбард бўла қолсайди.  
Нафсимиз итоат қила қолсайди.  
Муштоқмиз, қутмоқда абадий Ризвон,  
Яқинлашиб қолди моҳи Рамазон!

Парвардигор, берган ризқингга шукр,  
Қалбга инган меҳр, ишқингга шукр,  
Ваъданг – жаннатдаги кўшқингга шукр,  
Нурга чўмиламиз ҳар лаҳза, ҳар он,  
Яқинлашиб қолди моҳи Рамазон.

Дунёнинг лаззати сажда, биламиз.  
Кўзда ёш, ўртаниб тавба қиламиз,  
Ғанимат тунларда бедор турамиз,  
Рўза кунларининг ҳар куни имкон,  
Хуш келдинг дилларга, моҳи Рамазон!..

Ҳазрат ИСМОИЛ, Навбаҳор тумани

### Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: Sultonbek IMOMNAZAROV

Шислом нури

Bosh muharrir: Abdul Jalil XO'JAM

### Tahrir hay'ati:

Nuriddin XOLIQNAZAROV  
Sodiq TOSHOYEV  
Homidjon ISHMATBEKOV  
Jaloliddin XAMROQULOV  
Obidjon QODIROV  
Uyg'un G'OFUROV  
Muhammadsharif JUMAN  
Xolmat ATABAYEV  
Komiljon BURXONOV

Tolibjon NIZOMOV  
Hikmatulloh TOSHEMIROV  
Azizbek XOLNAZAROV  
Jamoatchilik kengashi  
Alisher ESHIMOV  
Islomiddin ZUHRIDDINOV  
Rustam JAMILOV  
Muzaffar KAMOLOV

Toshkent – 100069, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.  
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.  
m-nashr@mail.ru  
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195  
ISSN 2091-5225  
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.  
Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.  
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: Azizbek XOLNAZAROV  
Musahhiha: Zabo OMONOVA  
Sahifalovchi: Komiljon MAHMUDOV  
Ekspertizaga berildi: 20.02.2023  
Xulosa (№03-07/1227) olindi: 28.02.2023  
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 13.500  
227/3-buyurtma.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zargaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!